

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БЎЙИЧА БЎШ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

(2019 йил декабрь)

Кафедра мудири:

Олий маълумотли ҳамшира факультетига қарашли “Суд тиббиёти ва тиббиёт ҳуқуқи” кафедраси

Доцентлар:

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Жамоат соғлиқни сақлаш мактаби” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “1-сон болалар касалликлари” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “2-сон ички касалликлари” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Реабилитология халқ тиббиёти ва жисмоний тарбия” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Урология” кафедраси

Катта ўқитувчилар:

Даволаш факультетига қарашли “1-сон болалар касалликлари” кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Жамоат соғлиқни сақлаш мактаби” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Онкология” кафедраси

Ассистентлар:

Даволаш факультетига қарашли “1-сон болалар касалликлари” кафедраси

Хужжатларни қабул қилиш муддати бир ой эълон қилинган кундан бошлаб, ректоратнинг девонхона бўлимига топширилади.

Манзилимиз: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй.

Даволаш факультетига қарашли “ЛОР ва стоматология” кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Гистология ва тиббий биология” кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Тиббий ва биологик кимё” кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Микробиология, вирусология ва иммунология” кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Фармакология” кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Жамоат соғлиқни сақлаш мактаби” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Онкология” кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Атроф-муҳит гигиенаси” кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси” кафедраси

Олий маълумотли ҳамшира факультетига қарашли “Тиллар” кафедраси

Олий маълумотли ҳамшира факультетига қарашли “Суд тиббиёти ва тиббиёт ҳуқуқи” кафедраси

Олий маълумотли ҳамшира факультетига қарашли “Аллергология, клиник иммунология ва ҳамширалик иши” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Травматология, ортопедия, ХДЖ ва нейрожарроҳлик кафедраси



ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИГА

Муҳтарам дўстлар!

Ҳурматли тиббиёт ходимлари!

Аввало, инсон соғлиғини асраш ва мустаҳкамлашдек олижаноб ишга ўз ҳаётини бағишлаган сиз, азизларни мамлакатимизда кенг нишонланаётган Тиббиёт ходимлари кун муносабати билан чин қалбимдан табриклайман.

Биз сизларнинг тимсолингузда халқ саломатлиги йўлида ўз ҳаловатидан кечиб, кунни тунга улаб, фидокорона меҳнат қилаётган шарафли касб эгаларини кўрамиз.

Машҳур юнон табиби Гиппократнинг “Табобат барча илму санъатлар ичида энг буюк илм ва санъатдир”, деган сўзлари машаққатли ва эзгу фаолиятингизга берилган ҳаққоний баҳодир.

Қадрли юртдошлар! Ўз аҳолисининг соғлиғини муҳофаза қилиш – ҳар қайси давлат ва жамият учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга долзарб масала саналади.

Юртимиз ҳудудида қадимдан кўплаб шиғо масканлари, тиббий мадрасалар фаолият юритгани, Абу Али ибн Сино каби мутафаккир боболаримиз яратган бебаҳо асарлар, уларнинг дори-дармон тайёрлаш ва даволаш усуллари бутун жаҳонда машҳур бўлгани ажодларимизнинг бу соҳа ривожига қандай катта эътибор қаратганидан далолат беради.

Мамлакатимизда туб янгилашларни аввало ижтимоий ҳаётимизнинг энг муҳим йўналишлари бўлмиш тинчлик ва осойишталикни сақлаш ҳамда аҳоли соғлиғини муҳофаза қилишдан бошлаганимиз бежиз эмас.

Чунки, тинчлик ва соғлиқ – бу ҳар бир инсон, бутун аҳолимиз учун ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган буюк неъматдир. Фақат соғлом инсон ва соғлом халқ мислсиз ишларга қодирлигини ҳаммамиз яхши англаймиз.

Ўтган даврда соғлиқни сақлаш тизимида эришилган ижобий натижалар билан бирга, ечимини кутаётган камчилик ва муаммолар ҳам мавжудлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу сабабли, кейинги уч йил давомида юртимизда фуқаролар мурожаатлари, фикр-мулоҳаза ва таклифлари атрофлича ўрганилиб, тиббиёт тармоғини чуқур ислоҳ қилиш бўйича 170 дан зиёд ҳуқуқий хужжатлар қабул қилинди.


(Давоми 2-бетда.)

БАЙРОҒИМИЗ – МИЛЛИЙ ҒУРУРИМИЗ

Ўзбек халқининг буюк давлат барпо этиш ғояси, салоҳияти ва умуминсоний қадриятларга содиқлиги, энг аввало, давлат рамзлари ва тимсолларида ўз ифодасини топган. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз рамзлар ва тимсолларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатганлар. Ажодларимиз давлат тимсоллари ва рамзлари учун ўз жонларини ҳам фидо этганлар. Жангу жадалларда байроқнинг қулаши ёки душман кўлига ўтиши мағлубият билан баробар турган.

Келажаги буюк, мустақил давлат барпо этилиши билан “Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи тўғрисида”ги Қонун 1991 йилнинг 18 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг VIII сессиясида қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи рамзи мамлакатимиз ҳудудида илгари мавжуд бўлган ғоят қудратли салтанат байроғларига хос бўлган энг яхши анъаналарини давом эттирган ҳолда, Республика табиатига хос хусусиятларини халқимизнинг миллий ва маданий ўзлигини ҳам акс эттирди.

(Давоми 3-бетда.)



Президентимизнинг “Тиббиёт ходимлари кун муносабати билан соҳа ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Фармонида кўра, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти лаборатория мудири Тулкин Искандаров, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази бўлим мудири Миршавкат Акбаров, Тошкент тиббиёт академиясининг 3-клиникаси неврология бўлими катта ҳамшираси Клара Мирсагаатовалар мукофотланди.

Тошкент тиббиёт академияси ректорати ва жамоаси мукофотланганларни самимий қўллаб қўлади. Келгусидаги фаолиятларида муваффақиятлар тилайди.

MUASSIS:
TOSHKENT
TIBBIYOT
AKADEMIYASI

MUHARRIR
TURDIQUL
BOBOMURATOV

TAHRIR HAYATI:
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),
O.Hazratov, D.Hidayeva, D.Norgulov,
L.Abdugodirova, M. Hasanova

Gazeta Pentium-IV
kompyuterida sahifalandi va Toshkent
Tibbiyot akademiyasi RISOGRAFida
400 nusxada chop etildi.
Manzilimiz:
Toshkent shahri, Farobiy
ko'chasi, 2-uy
Nashr uchun ma'sul
Q.Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot
boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun
mualliflar javobgardir
Бепул тарқатилади



Бошимда қўёшнинг тафтини сезсам,
Не ажаб, бир дилдош кафтини сезсам.



ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИГА

(Давоми 3-бетда.)

Хусусан, “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармон асосида 2019 – 2025 йилларда Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси ҳамда тегишли дастур тасдиқланди.

Буларнинг барчаси бирламчи тиббий санитария ҳамда шошилинч ва тез ёрдам бўғинидан тортиб, юқори тузилмаларигача иш фаолиятини ташкил этишда асосий эътиборни инсон омилига йўналтириш, тиббий хизматлар турларини кенгайтириш ва сифатини халқаро мезонлар даражасига етказиш борасида янги имкониятлар яратиш бермоқда.

Маълумки, касалликни даволашдан кўра, унинг олдини олиш оила учун ҳам, давлат учун ҳам самарали ва фойдалидир. Шу боис мамлакатимизда профилактик тиббиёт ривожига устувор аҳамият қаратилмоқда.

Айни пайтда, тиббий-санитария ёрдамни кўрсатишни яхшилаш мақсадида юртимизда 817 та қишлоқ врачлик пункти, 798 та қишлоқ ва 178 та шаҳар оилавий поликлиникаларида аёллар маслаҳатхоналари, қизлар саломатлиги хоналари, ижтимоий дорихоналар, куну-тун ишлайдиган тез тиббий ёрдам шохобчалари ташкил этилди ҳамда 5 та тор соҳа мутахасссларининг фаолияти йўлга қўйилди.

Жисмоний шахслар энг кўп мурожаат қиладиган шошилинч ва тез ёрдам йўналишида марказлашган яхлит тизим яратилди. Тез ёрдам бригадаларининг сони 818 тадан 1666 тага етказилди ва улар аҳоли яшайдиган ҳудудларга яқинлаштирилди. Автотранспорт паркни янгилаш учун 1500 дан ортиқ “Тез ёрдам” машиналари харид қилинди.

Яна бир асосий йўналиш – репродуктив саломатликни, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича миллий дастурлар амалга оширилмоқда. Ҳудудларимиздаги болалар даволаш муассасаларида илгари мавжуд бўлмаган неонатал хирургия, кардиохирургия, инвазив хирургия, қизлар гинекологияси каби янги бўлимларда мураккаб даволаш амалиётлари ўтказилмоқда.

Бундай улуғвор ўзгаришлар юртимизда хотин-қизлар соғлиғини мустаҳкамлаш, оналар ва ёўдақлар ўлимнинг кескин камайишида муҳим омили бўлмоқда.

Шунингдек, патронаж хизмати мутлақо янги асосда йўлга қўйилди. Айниқса, ёлғиз, кекса, ногиронлиги бўлган, сурункали касалликларга чалинган шахсларни, бўлажак оналар ва болаларни патронаж хизматлари билан тўлиқ қамраб олиш борасида бекиёс ишлар амалга

оширилмоқда. Ҳамшираларнинг уйма-уй юриб, ҳар бир шахснинг саломатлигини пухта ўраанишлари туфайли касалликларнинг олдини олиш, оилаларда тиббий маданиятни юксалтириш борасида салмоқли ютуқларга эришилмоқда.

Маълумки, ихтисослашган тиббиёт муассасалари асосан пойтахтда жойлашган бўлиб, кишилар даволаниш мақсадида вилоятлардан узоқ йўл босиб келишга мажбур эди.

Кейинги вақтда жойларда қўшимча муассасалар барпо этилиши ҳисобида аллергология, онкология, нефрология ва буйрак трансплантацияси, неврология ва инсульт, травматология ва ортопедия, нейрохирургия каби йўналишларга ихтисослашган марказлар сони 16 тага етказилди. Ҳудудларда 310 та ихтисослашган бўлимлар, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларининг 14 та филиали очилди.

Нафақат пойтахтимиз, балки Наманган, Хоразм, Фарғона, Бухоро, Қашқадарё ва бошқа вилоятларда кардиокардиология оид энг мураккаб амалиётлар, етакчи марказларимизда буйрак ва жигар, ўзак ҳужайра трансплантациялари муваффақиятли бажарилаётганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Тармоқда хусусий сектор улушини ошириш, давлат-хусусий шериклик ҳамда институционал ва ҳуқуқий механизмларнинг яратилиши, уларга кенг имтиёзлар тақдим этилаётгани натижасида бу йўналишдаги шифохоналар сони 5300 дан ошди.

Шунингдек, қисқа вақт ичда АҚШ, Россия, Хитой, Германия, Ҳиндистон, Туркия, Жанубий Корея, Исроил каби хорижий давлатлар билан ҳамкорликда 100 дан ортиқ замонавий хусусий клиникалар иш бошлади.

Айни пайтда, мамлакатимизда 7 та олий тиббий таълим дарёҳи ва уларнинг 4 та филиали, шунингдек, хориждаги нуфузли тиббий-илмий муассасалар ҳамкорлигида ташкил этилган 22 та халқаро факультет соҳага малакали ва етуқ мутахасссларни етиштириб бермоқда.

Республикаимиз фармацевтика саноати ҳам изчил ривожланиб, арзон ва сифатли дори воситаларини кафолатланган тарзда етказиб бериш, уларга нарх белгилашнинг таъсирчан шакллари ишлаб чиқилмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш ҳажми бир неча баробарга оширилиши ислохотлар натижадорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Масалан, 2017 йилда соҳага 7,1 триллион сўм йўналтирилган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 12,1 триллион сўмга етди. Бу ўтган йилларга қараганда 1,6 баробар кўп демакдир.

Дори-дармонлар ва тиббий буюмлар харид қилиш ҳамда тиббиёт объектларини қуриш-таъмирлаш ишларига ажратилаётган маблағлар ҳажми ҳам 3 баробарга ортди.

Сўнги уч йилда 1300 дан ортиқ даволаш муассасасида қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилиб, улар 2019 йилнинг ўзида 100 миллион АҚШ доллари миқдоридаги замонавий ва юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Давлатимиз томонидан шифокорларнинг залворли меҳнатини муносиб қадрлаш, уларнинг иш ва турмуш шароитларини яхшилаш, замонавий уй-жойлар билан таъминлаш, моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришга жиддий ёндашилмоқда. Бу каби ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ишлари бундан кейин ҳам изчил давом эттирилади.

Муҳтарам юртдошлар!

Мазкур тармоқда бошлаган ислохотларимизни жадал давом эттириш, тиббий хизматнинг сифатини ошириш, соҳага инновациялар ҳамда энг сўнги янгиликларни жорий этиш энг аввало соҳа мутасаддилари, олим ва шифокорлар, ҳамширалар зиммасига катта масъулият юклайди.

Мажбурий тиббий сугурталаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлиги фаолиятини самарали йўлга қўйиш, тиббий таълим ва илм-фанни юқори босқичга кўтариш сингари жуда муҳим вазифалар олдимизда турибди.

Ҳеч шубҳасиз, сидқидилдан ва жонбозлик билан меҳнат қилиб келаётган сиз, фидойи юртдошларимиз бутун салоҳият ва тажрибангиз, куч ва ғайратингизни сафарбар этиб, ана шундай улкан ва масъулиятли вазифаларни шараф билан адо этишга қодирсиз.

Барчамиз бир ҳақиқатни эсдан чиқармаслигимиз лозим: тиббиёт ходимлари – саломатлигимиз посбонларидир. Сизлар ўзингизнинг бой билим ва маҳоратингиз, илгор малака ва кўникма, бегараз хизматингиз, касбингизга меҳр ва садоқатингиз билан халқимизнинг ишончини янада чуқурроқ қозонасиз, деб ишонаман. Қадрли тиббиёт ходимлари!

Сизларни қўтлуғ касб байрамингиз билан яна бир бор самимий муборакбод этиб, барчангизга сўхат-саломатлик, улкан зафарлар, оилавий бахт-саодат, хонадонларингизга файзу барака ёр бўлишини тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ОГОҲЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

Бугунги кунда минтақанинг барча мамлакатлари терроризм, диний экстремизм, жиноятчилик ва наркотрафик таҳдидларга дуч келмоқда. Ушбу таҳдидларга қарши самарали курашишни фақат биргаликда, минтақа мамлакатлари ўртасидаги амалий ҳамкорлик механизми доирасида таъминлаш мумкин. Хавфсизликка таҳдидларни “ўзиники ва ўзгаларники” деб ажратишдан воз кечиш “яхлит хавфсизлик” тамойилига амалда риоя қилиш зарур, деган қатъий фикрдамиз. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минтақавий хавфсизлик муаммосини, аввало преветив дипломатия усуллардан фойдаланган ҳолда ҳал қилишда муҳим ўрин тутади.

Терроризм – чегара билмайдиган хавфдир, шу боис унга қарши кучларни бирлаштирган ҳолда курашиш лозим.

Ш.МИРЗИЁЕВ

Агар огоҳ сен шоҳсен, агар шоҳсен сен огоҳсен. Огоҳлик ўз умрига, тақдирга шоҳлик билан баробар. Зеро, бугунимиз ҳар биримиздан ана шундай огоҳликни талаб қилади. Айниқса турли иллатлар учраган замонамизда бу ниҳоятда муҳим. Мамлакатимизда шу мақсадда ташкил этилаётган профилактик тадбирлар кишиларда мустаҳкам ирода ва ҳуқуқий саводхонликни шакллантирмоқда десак янглишмаймиз. Бугун дунё тез ўзгариб, ундаги воқеалар, мафкуралар, ғоялар тўқнашувчи бизни ҳар қачонгидан сергак ва огоҳ бўлишга ундайди. Инсон ўзи учун ҳаловат ва тинчликни ўз идроки ва билими билан таъминлайди. Аллоҳ ато этадиган бу буюк неъматни асрай олиш унинг ўз ҳатти-ҳаракатларига боғлиқдир.

Бугунги глобаллашув даврида инсон онги ва қалби учун жиддий кураш кетмоқда. Турли манфаатлар тўқнаш келган ва шунга хизмат қиладиган ахборот хуружлари кўпайган бир шароитда бундай жараёнлар салбий таъсирдан ҳимояланишнинг бирдан-бир йўли бу соғлом фикр юритиш, ҳамиша ҳушёр ва огоҳ бўлишдир. Айниқса, ёшлар онгида ватанпарварлик ва юрт тақдирга дахлдорлик туйғуларини юксалтириш, уларнинг билимини ошириш турли таҳдидларига тўсиқ қўйишда муҳим аҳамиятга эга.

Шунга кўра, Тошкент тиббиёт академияси академик лицейида ҳам қатор профилактик тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Жумладан, ўқувчи-ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олишга қаратилган профилактик тадбир Олмазор тумани 2-сонли ИИБ ВЕ ва ЁЎХПТЕГ катта инспектори, подполковник У.Тошпўлатов иштирокида бўлиб ўтди. Тадбирда бу борада амалга оширилаётган ишлар борасида йиғилганларга кенг кўламли тушунчалар берилди. Ўқувчи-ёшлар онгида маънавий бўшлиқнинг олдини олиш ва огоҳликка ундовчи Ш.Юнусованинг “Маънавий қашшоқликка қаршимиз” деб номланган очик дарс ёшлар ўртасида учрайдиган иллатларни бартараф этишга қаратилди. Ёш авлод онгида маънавий бўшлиқни тўлдириш ҳамда онг-тафаккурида ватанпарварлик ва инсоний ғояларни шакллантириш борасида “Китоб тафаккур гулшани” номли китоблар кўргазмаси ташкил этилди.

“Ўзбекистон – диний тотувлик ва миллатлараро барикенглик юрти” мавзусида Ўзбекистон Халқаро Ислом академияси катта ўқитувчиси С.Саиджалолов маърузаси тингланди. Маъруза ўз моҳияти билан ўқувчи-ёшларни огоҳликка, бугунги ёруғ кунларга шукроналик туйғусини шакллантиришга ундади. Она ватанида эркин ҳаёт кечириш ғоялари илгари сурилди.

Олмазор тумани бош имом-хатиби С.Абдурашидов билан бўлиб ўтган “Огоҳлик – давр талаби” мавзусидаги тадбир ўқувчи-ёшларни янада огоҳ бўлишга ундади. Тадбирда халқаро

терроризм, гиёҳвандлик, диний экстремизм, хусусан, “Ҳизбут-таҳрир”, “Ваҳобизм” кўринишида таъсир воситаларидан огоҳ бўлишни, бу кучларнинг қора тўрига илинмаслик, доимо ҳушёр бўлишни ҳаётий мисоллар орқали баён этилди. Суҳбатда ҳозирги кунда мамлакатимизда барча соҳалар қатори диний соҳада ҳам улкан амалий ишлар амалга оширилаётган бир пайтда тирноқ ичидан кир қидираётган кишилар томонидан турли фитналарга алданиб қолмаслик кераклиги ҳақида айтиб ўтилди. Бугун ўқувчи-ёшларнинг асосий вазифаси юксак илм-маърифат ва одоб-ахлоқни эгаллаш зарурлиги эслатиб ўтилди. Суҳбат давомида саҳобалар ва илм аҳлларининг фазллари ҳақида ҳаётий мисоллар келтириб ўтилди. Истиқлол йўлини танлаб, бу йўлда тараққиётнинг ўз моделини ярата олган Ўзбекистонни демократик маърифий тараққиёт йўлидан оғдиришни мақсад қилиб олган мамлакатимиз ташқарисидаги ақидапараст кучларнинг борлигини ҳам асло унутмаслигимиз лозим. Диний никоҳ остида мустақил давлатимизга ташқаридан туриб таҳдид солаётган кучлари ақидапарастларнинг халқимиз маънавиятини емириш йўлидаги уринишларига қарши ҳамжиҳатликка кураш олиб бориш ҳар бир онгли кишининг олий бурчидир.

Нигора ҲАКИМОВА,
ТТА академик лицей
Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари



1 декабрь – ОИТСга қарши кураш куни

ВУЖУД ҚЎРҒОНИНИ ЕМИРУВЧИ ДАРД

**“Тиббиёт қўшиш ва айиришдир:
Вужудда этишмай қолганини қўшиш,
Ортиқчасини олиб ташлаш:
Ким буни яхшироқ бажарса,
Ўша яхши ҳақимдир”.**
Гиппократ, тиббиёт отаси

“Умматимга иймон неъматидан кейинги энг улуғ неъмат – тани сиҳатликдир”, деган эди жаноби расулulloҳ (с.а.в). Дарҳақиқат, тан ва руҳ сиҳатлиги бўлмас экан, инсонга ҳеч нарса татимайди.

Бугунги кун медицинасига 10 мингдан ортиқ касалликлар, 20 мингдан ортиқ синдромлар ва 100 мингдан ортиқ аломатлар маълум бўлиб, статистика маълумотларига кўра ҳар 2-4 йилда битта янги касаллик пайдо бўлмоқда. Инсоният тарихида ягона касаллик-чинчечак устидангина 1972 йилда ғалаба қозонилган бўлиб, қолганлари ҳаммаси инсониятнинг улкан душманлари сифатида тиш қайраб турибди. Охирги йилларда тиббиёт статистикасига кирган атипик пневмония, чўчка гриппи, куш гриппи айнан ана шундай янги касалликлар сирасидандир.

ОИТС ҳақида илк маълумотлар 1982 йилда пайдо бўлди. АҚШда фоҳишабозлик, бесоқолбозлик, пиёнисталик ва гиёҳвандлик билан шуғулланувчилар кўп яшайдиган даҳаларда азалдан сурункали йўталиш, ич кетиши, баданнинг турли қисмларида ўсмасимон ҳосилалар, иммун тизимининг заифлашиб кечувчи бир қатор хасталиклар кузатилиб, беморлар баъзан бир неча йиллардаёқ нобуд бўлиб кетардилар. Фақат 1980 йилларга келибгина бу ҳолат олимларни қизиқтириб қўйди ва бу борада ўтказилган тадқиқотлар 1982 йилда янги касаллик – орттирилган иммун танқислиги синдроми аниқлашга имкон берди. Бугунги кунда статистика шуни кўрсатмоқдаки, АҚШ аҳолисининг 4-6 фоизга, Конго Заир, Алжир, Мозамбика каби Африка ҳудудларининг 40-50 фоизга яқин қисмида ушбу касаллик топилмоқда. Россиялик профессор Р.Звягинцевнинг берган маълумотларига қараганда охир 10 йилликда Россия ҳудудларида ҳам ушбу касалликнинг ҳиссаси ошиб бормоқда. Улар асосан фоҳишабозлик, гиёҳвандлик, бесоқолбозлик пиёнисталик авж олган шаҳарлар ҳиссасига кўпайиб бормоқда.

ОИТС жаҳоннинг деярли барча мамлакатлари каби Ўзбекистон учун ҳам долзарб бўлиб, умумий

касалланиш статистикасида алоҳида ўрин тутиб бормоқда. Шундай экан, муаммо фақат ер шарининг чегараланган ҳудуди учун эндемик бўлиб қолмасдан глобаллик касб этмоқда. Умумжаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти бу борада бир неча йилдан бери ташкил этилган статистикани келтириб ўтиш билан бирга унинг давосини топган олимнинг юртига унинг олтиндан бюстини қўйшни ваъда қилиб келмоқда. Албатта, бу борада бир қатор тавсиялар ва янги дори воситалари медицина майдонида кириб келди ва беморлар турмуш даражасини яхшилаш, яшаш сифатини оширишга ҳисса қўшди. Аммо, муаммо ҳали узил-кесил ўз ечимини топгани йўқ. Бу муаммо ечимига Россия олимлари ўзига хос ёндошмоқдалар. Улар сунъий буйрак аппарати каби алоҳида аппаратларга беморнинг иккита йирик веноз улаб, аппаратда қонни 38-40 даражага қиздирилган махсус қозончалардан бетиним ҳайдаб ўтказишади. Бу сеанс ҳар гал 3-4 соат давом этиб, бир неча ҳафта давом этади. Маълумки, вируслар 40 даража ҳароратга бардош бера олмасдан қирилади бошлайдилар. Ушбу янгилик 2012 йилда Новосибирсклик олим А. Попов томонидан тақлиф этилган бўлиб етти йил мобайнида 3000 дан ортиқ беморларда ремиссияга эришилган. Умуман олганда мазкур даво усулининг яқин муддатдаги натижалари қониқарли. Аммо, давонинг олис муддатдаги самарадорлиги ҳақида сўз юритиш учун ушбу муддат ва статистик миқдорлар ҳанузгача етарли эмас.

Хулоса қилиб айтганда 1 декабрь – ОИТСга қарши кураш кунида жаҳоннинг аксарият олимлари қатори аср балоси ҳисобланган ушбу мудҳиш хасталикка қарши курашиш, унга олиб келувчи объектив ва субъектив сабабларни бартараф этиш, аҳолимизнинг онгида маънавий бўшлиқни тўлдириш, тиббий саводхонликни ошириш борасида ўз ҳолис хизматимизни қилишимиз лозим. Зеро, **“Умматимнинг энг яхшиси одамларга нафи кўпроқ тегадиганидир”**, деганда жанобимиз нақадар ҳақ бўлганлар.

Алижон ЗОҲИДИЙ,
Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш аълоҳиси, Ўзбекистон
Республикаси Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
Қутбиддин НИЗОМОВ,
Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш аълоҳиси,
олий тоифали шифокор

АДОЛАТ – ҚОНУН
УСТУВОРЛИГИДА

“Конституциямизда белгиланган қонун устуворлиги принципи жамиятимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, барча ислохотларни самарали амалга оширишнинг муҳим кафолатидир”.

Ш.МИРЗИЁЕВ

Жамият ҳаётининг муқаддас тамойилларидан бири бўлган қонун устуворлигининг ўзига хос аҳамиятга шундаки, қонунларга оғишмай риоя қилинадиган мамлакатдагина фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ҳуқуқий давлат барпо этиш мумкин.



Қонунга итоаткорлик – бу ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг асосий белгисидир. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин ўзига хос тараққиёт йўлини, яъни бозор иқтисодиёти принципларга асосланган инсонпарвар ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, маънавий-маърифий жиҳатдан юксак ва адолатли жамият қуриш имконияти, йўлини белгилаб олди. Бугунги кунда мамлакатимизда инсон ва унинг манфаатларини таъминлаш борасида кенг қўламли саъй-ҳаракатлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Олий юридик кучга эга бўлган ва Ўзбекистон ҳудудида бевосита тўғридан-тўғри амал қиладиган Конституциянинг устунилиги шуни англатадики, Ўзбекистон ҳудудида қабул қилинадиган барча қонунлар ва бошқа норматив актлар Конституцияга зид келмаслиги, унга мос келиши лозим.

Жамиятда қабул қилинаётган норматив ҳужжатларнинг самараларини ўтган давр мобайнида эришилган ютуқ ҳамда марраларимизда, халқимиз фаровонлиги тобора ошиб боришида, жаҳон ҳамжамиятида юртимиз нуфузи кун сайин юксалиб бораётганлигида яққол кўриш мумкин.

Конституция ҳақида, унинг маъно-мазмун ва устувор тамойиллари ҳақида сўз юритар эканмиз, Асосий Қонунимизда биринчи навбатда шахс манфаатининг давлат манфаатидан устун этиб белгилангани, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият сифатида муҳраб қўйилганлиги, Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи халқ бўлиб, дав-

лат халқнинг иродасини ифодалаш, унинг манфаатларига хизмат қилиши Президентимизнинг олиб бораётган сиёсати ва чиқишларида ўз аксини топмоқда.

Асосий қонунимизда эътироф этилган демократик тамойиллар билан бирга, халқимизнинг бебаҳо қадриятлари ва бой давлатчилик тажрибасини ифодалаш муҳим эди.

“Адолат – қонун устуворлигида” тамойили асосида давлатимизда қонунга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, ҳуқуқбузарликка мurosасизликни кучайтиришга қаратилган ишларимизни жадал давом эттирамиз”, дея Президентимиз бежиз таъкидлаб ўтмадилар. Шуни ишонч билан айтишимиз мумкинки, инсон ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш давлатимизда амалга оширилаётган барча ислохотларнинг мазмун-моҳиятини белгилаб келмоқда. Мазкур сиёсатнинг амалий самарасини нафақат суд-ҳуқуқ соҳаси балки бошқа соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар кенг қўламли ҳам яққол кўришимиз мумкин. Давлат қурилиши, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳамда гуманитар соҳаларда ҳаётга татбиқ этилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳамда демократик янгиланишлар, аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг жадал ўсиши давлатимизда инсон ҳуқуқ ҳамда манфаатларининг юқори даражада таъминланишига хизмат қилади.

С.НОРҚУЛОВ,
ТТА ижтимоий фанлар
кафедраси мудири, профессор,
Н.АБДУРАХМАНОВА,
ТТА ижтимоий фанлар
кафедраси ўқитувчиси

БАЙРОҒИМИЗ –
МИЛЛИЙ ҒУРУРИМИЗ

(Давоми 3-бетда.)

Байроғимизда халқимизнинг хоҳиш-идораси, ақл-салоҳияти, миллий ўтмишимиз анъаналари яъни мовий ранг – мангу осмон, мусаффо сув рамзи, Шарқда азалдан қадрланган бу рангда ўз вақтида Амир Темур ҳам ўз байроғига шу рангни танлаганлиги билан аҳамиятга эгадир. Оқ ранг – тинчлик ва барқарорлик тимсоли бўлиб, ёш мустақил давлат йўлининг чароғон бўлиши. Қизил йўллар – куч, тириклик рамзидир яъни ҳар бир тирик жоннинг қон томиримизда оқаётган қонимиз, яшил ранг – оромбахш табиат тимсоли. Ҳозирги вақтда бутун дунёда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳаракатлари кенг ёйилмоқда, унинг рамзи ҳам яшил рангдир. Ярим ой – Ўзбекистон халқининг кўп асрлик анъаналари, юлдузлар мусаффо осмоннинг тинчлик рамзларидир яъни бу ўлкада баркамоллик, мукамаллик тимсоли ҳисобланади.

Ўзбекистон байроғи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис биноси тепасига илиб қўйилган. Ўзбекистон спортчилари жаҳон спорт мусобақаларида ғолибликни қўлга киритиб, шоҳсупага кўтарилган пайтларда ҳам Ўзбекистон байроғи кўтарилади. Шу боисдан мамлакатимиз ва жаҳон узра Ўзбекистон байроғининг кўтарилиши, бир томондан давлатимиз шон-шухратини кўтарса, иккинчи томондан барчамизга қувонч, фахрланиш, ғурур бағишлайди.

Ш.ЮНУСОВА,
ТТА академик
лицейи ижтимоий
фанлар
кафедраси мудири

Миллатлар Ташкилоти қароргоҳи ва дунёдаги суверен давлатлар байроғлари қаторида турибди.

Ўзбекистон байроғи хорижий мамлакатларда Президентимиз бошлиқ давлат делегациясини қабул қилиш маросимларида, чет эл давлатлар делегацияларини Ўзбекистонда қабул қилиш маросимларида кўтарилади.

Ўзбекистон байроғи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис биноси тепасига илиб қўйилган. Ўзбекистон спортчилари жаҳон спорт мусобақаларида ғолибликни қўлга киритиб, шоҳсупага кўтарилган пайтларда ҳам Ўзбекистон байроғи кўтарилади. Шу боисдан мамлакатимиз ва жаҳон узра Ўзбекистон байроғининг кўтарилиши, бир томондан давлатимиз шон-шухратини кўтарса, иккинчи томондан барчамизга қувонч, фахрланиш, ғурур бағишлайди.

Ш.ЮНУСОВА,
ТТА академик
лицейи ижтимоий
фанлар
кафедраси мудири



ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БИЛАН АҚШНИНГ CDC МАРКАЗИ ЎРТАСИДА МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ



Жорий йилнинг 7 ноябрида Тошкент тиббиёт академияси ҳамда АҚШнинг касалликларни назорат қилиш ва олдини олиш Маркази (CDC) ўртасида Меморандум имзолаш маросими бўлиб ўтди. Марказий Осиёда биринчи мартаба ўтказилган ушбу маросим Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Атланта шаҳри (АҚШ)дан ташриф буюрган CDC раҳбарлари иштирокида кечди.

АҚШ Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли касалликларни назорат қилиш ва олдини олиш Марказларининг расмий ҳамкори бўлган ва Меморандум имзолаган илк университет номига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Тошкент тиббиёт академияси сазовор бўлди.

Ушбу тарихий маросимда ТТА жамоаси ва талабаларига қаратилган табрик нутқи билан:

- АҚШнинг Ўзбекистон Республикасидаги фавкулдда ва мухтор элчиси жаноб Д. Розенблум;
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Б.Юсупалиев;
- CDC (Атланта ш., АҚШ)нинг тадқиқот ишлари бўйича директор ўринбосари, профессор В.Капил;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси ва Ўзбекистон

Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги раҳбарлари иштирок этдилар.

ТТА ва CDC ўртасида ўрнатилган ҳамкорлик келажақда:

- Тиббий таълим ва тадқиқотлар соҳасида АҚШнинг етакчи университетлари ва тиббий марказлари билан ҳамкорлик доирасини кенгайтириш, CDC кўмағида АҚШдаги энг яхши илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик ўрнатиш;
- Илғор халқаро стандартлар талабига жавоб берувчи илмий-асосланган таълим модуллари ва фанларни ишлаб чиқиш орқали янги таълим дастурларини яратиш ва мавжудларини такомиллаштириш;
- АҚШ олимларининг тажриба ва амалиётига асосланган ҳолда илмий ишларни амалга ошириш механизмлари ва инновацион тамойилларини жорий қилиш орқали ТТА профессор-ўқитувчилари ва илмий

ходимларининг илмий иш ва нашрларининг таниқлилиги, халқаро миқёсда тан олиниши ва иқтибослик даражасини ошириш;

– профессор-ўқитувчилар таркибининг илмий салоҳиятини ошириш ва тиббиёт фанининг клиник амалиётга интеграциясини такомиллаштириш орқали Тошкент тиббиёт академиясининг таълим жараёни ва тайёргарлиги сифатини ошириш;

– АҚШнинг юқори импакт-факторга эга нуфузли илмий журналларида ТТАнинг профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлари, докторант ва талабалари (бакалавриатура ва магистратура) томонидан ёзилган мақолаларни систематик тарзда нашр этилишини ташкиллаштириш механизмларини ишлаб чиқиш;

– ТТА университет журналининг таниқли илмий нашрлар халқаро базасига босқичма-босқич қўшилиши бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

– Тошкент тиббиёт академиясини халқаро миқёсда, хусусан, АҚШда танилиши, академиянинг Марказий Осиёдаги дунёнинг нуфузли илмий марказлари билан кенг алоқаларга эга етакчи тиббиёт олийгоҳи сифатида шаклланишига ҳисса қўшишга имконият яратади.

ТТА бўйича декабрь ойида тузилган ҳамкасб, устозларимиз

24	Юсупов Ғайрат Сокижонович	03.12.1958	Ўқув услубий бўлим услубчиси
25	Каримов Маъриф Шакирович	06.12.1958	Даволаш ишлари бўйича проректор
26	Назарова Шахноза Талгатовна	05.12.1986	Электрон ахборот ресурслари бўлими етакчи мутахассиси
27	Турсунова Лайло Дилматовна	28.12.1986	2-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси ассистенти
28	Исроилов Бахтияр Нейматович	27.12.1967	2-сон факультет ва госпитал жарроҳлик кафедраси ассистенти
29	Садиков Хумоюн Мирзо Абдуллаевич	19.12.1991	Юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедраси ассистенти
30	Турдиева Муяссар Эрназаровна	25.12.1985	Психиатрия ва наркология кафедраси ассистенти
31	Юсупова Дилноза Бахтияровна	16.12.1988	Онкология кафедраси ассистенти
32	Узоқова Манзура Комиловна	14.12.1984	1-сон акушер ва гинекология кафедраси ассистенти
33	Нуритдинова Нигора Батировна	20.12.1974	1-сон ички касалликлар кафедраси доценти
34	Таджиева Хосият Султоновна	27.12.1957	Тиббий ва биологик кимё кафедраси доценти
35	Аслонова Азизахон Хасановна	20.12.1992	Тиббий ва биологик кимё кафедраси ассистенти
36	Латипова Камила Далимбековна	30.12.1985	Информатика ва биофизика кафедраси ассистенти
37	Шамирзаев Наджиюлла Хабибуллаевич	04.12.1937	Анатомия ва клиник анатомия кафедраси профессори
38	Якубов Даврон Русланов	10.12.1991	2-сон умумий жарроҳлик кафедраси ассистенти
39	Абдурахимов Бобиржон Абдунаби ўғли	20.12.1991	Жамоат соғлиқни сақлаш мактаби ассистенти
40	Абдукадирова Лола Кабуловна	14.12.1962	Атроф-муҳит гигиенаси кафедраси доценти
41	Мирсагатова Мавлуда Рихсиллаевна	24.12.1972	Атроф-муҳит гигиенаси кафедраси ассистенти
42	Искандарова Гузал Тулкиновна	13.12.1963	Коммунал ва меҳнат гигиенаси кафедраси мудири
43	Искандаров Шерзод Абдуғаниевич	13.12.1985	Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси
44	Миррахимова Гулбахор Шухратовна	27.12.1979	Тиллар кафедраси катта ўқитувчиси
45	Каримова Шаҳадат Пулатбаевна	05.12.1979	Тиллар кафедраси ўқитувчиси
46	Бобомуротова Дилфуза Пажиевна	15.12.1984	Тиллар кафедраси ўқитувчиси

ТТА ректорати ва касаба уюшмаси номлари зикр этилган ҳамкасб, устозларимизни яна бир бор таваллуд кунлари билан муборакбод этади.



ТТА бўйича декабрь ойида тузилган ҳамкасб, устозларимиз

№	Ф.И.Ш.	Туғилган санаси	Кафедра ва лавозими
1	Рахматуллаева Гулноза Қутпиддиновна	20.12.1980	1-сон ички касалликлари пропедевтикаси кафедраси ассистенти
2	Қасимов Улуғбек Қўркмасович	08.12.1967	1-сон умумий ва болалар жарроҳлиги кафедраси доценти
3	Усманов Хожиякбар Собирович	25.12.1974	1-сон умумий ва болалар жарроҳлиги кафедраси ассистенти
4	Абдиева Юлдуз Атакуловна	04.12.1964	1-сон факультет госпитал терапия ва касб касалликлари кафедраси ассистенти
5	Сагатова Дилноза Рахматовна	26.12.1973	1-сон факультет госпитал терапия ва касб касалликлари кафедраси ассистенти
6	Хакимов Мурод Шавкатович	14.12.1972	1-сон факультет ва госпитал жарроҳлик кафедраси мудир
7	Халиков Сарвар Пулатович	21.12.1976	1-сон факультет ва госпитал жарроҳлик кафедраси катта ўқитувчиси
8	Бекназаров Илхомжон Рустамович	13.12.1988	1-сон факультет ва госпитал жарроҳлик кафедраси ассистент
9	Исроилова Нигора Амануллаевна	07.12.1975	2-сон болалар касалликлари кафедраси ассистенти
10	Эргашев Улуғбек Муродович	09.12.1973	ЛОП ва стоматология кафедраси катта ўқитувчиси
11	Халимова Ханифа Мухсимовна	13.12.1948	Неврология кафедраси профессори
12	Муратов Фахмиддин Хайритдинович	24.12.1963	Неврология кафедраси профессори
13	Шермухамедова Феруза Қобилджаовна	27.12.1978	Неврология кафедраси ассистенти
14	Азизова Раъно Баходировна	09.12.1983	Неврология кафедраси доценти
15	Кангилбаева Гузал Еркиновна	31.12.1969	Офтальмология кафедраси ассистенти
16	Миркомиллов Элдор Мирқодир ўғли	24.12.1987	Офтальмология кафедраси ассистенти
17	Юсупова Нихола Шавкатовна	08.12.1969	Анестезиология ва реаниматология кафедраси катта ўқитувчиси
18	Қосимов Сафожон Самукджонович	02.12.1987	Урология кафедраси ассистенти
19	Шагазатова Барно Хабибуллаевна	16.12.1961	2-сон ички касалликлари кафедраси профессори
20	Аталиев Альберт Ервандович	13.12.1937	Хирургик касалликлари кафедраси профессори
21	Маматқулов Шуқурулло Мустафақулович	24.12.1953	Хирургик касалликлари кафедраси доценти
22	Хайитов Илхам Баходирович	08.12.1979	Хирургик касалликлари кафедраси ассистенти
23	Олқарова Муслима Омановна	21.12.1963	Даволаш факультетининг Ўқув ишлари бўйича диспетчери

ТТА ректорати ва касаба уюшмаси номлари зикр этилган ҳамкасб, устозларимизни яна бир бор таваллуд кунлари билан муборакбод этади.

САЙЛОВ ЖАРАЁНИНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ – САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ БОШЛАНМОҚДА

Марказий сайлов комиссияси халқаро матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

Видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган мажлисда Марказий сайлов комиссияси аъзолари ва масъул ходимлари, округ сайлов комиссиялари раҳбарлари, тегишли вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Мажлисда дастлаб Ўзбекистон Республикаси адлия вазир Рустанбек Давлетовнинг вазирлик томонидан Сайлов қонунчилиги тарғиботи ойлари доирасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Вазирнинг маълумот беришича, вазирлик томонидан шу вақтга қадар 6 мингдан ортиқ тарғибот тадбирлари ўтказилди. Вазирлик тизимида “Адлия чорлови” мавзусидаги лойиҳа ташкил этилди. Бунда кўчалар, аҳоли гавжум жойлар ва ОАВ орқали сайловга чорловчи ижтимоий рекламалар, баннерлар ва билбордлар ўрнатилади. Айни пайтда вазирликнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари ва “Ҳуқуқий ахборот” телеграм канали орқали “Сайлов алифбоси” руқни ташкил этилиб, сайловга оид тушунчалар изоҳи содда, лўнда ва тушунарли тарзда мунтазам бериб боришмоқда.

Мажлисда Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш ҳамда Марказий сайлов комиссиянинг шу йил 11 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида Сайлов қонунчилиги тарғиботи ойлари ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги қарорида

белгиланган вазифаларнинг ижросига доир масалалар кўриб чиқилди.

Мамлакатимиз сайлов қонунчилигига биноан сайловолди ташвиқоти олиб бориш учун барча шарт-шароитлар таъминланган. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан сиёсий партияларга, депутатликка номзодларга Сайлов кодекси ва Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида сайловолди ташвиқоти амалга оширишда депутатликка номзодлар, сиёсий партияларнинг оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишига оид ҳужжатлари асосида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ва кенг имкониятлар яратилади.

Сиёсий партияларга, депутатликка номзодларга сайловолди ташвиқоти даврида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг шарт-шароитлар яратиш, сиёсий партияларнинг ўзининг келгуси фаолият дастури билан чиқиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида, уларнинг оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлари қонунчиликда назарда тутилган тартибда белгилаб қўйилди.

Мажлисда Марказий сайлов комиссияси ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

(ЎЗА)

КАСБИМ – ФАХРИМ

“Соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан биридир”. Шавкат МИРЗИЁЕВ

Дунёда шундай касблар борки, у ўзининг олижаноблиги билан барча касблардан ажралиб туради. Бу шифокорлик касбидир.

Шифокорлик касби энг шарафли ва эътиборли, лекин қийин ва машаққатлидир. Шифокорлик касби – инсонпарварлик ва бахт-саодатнинг буюк намуналарини ўзида мужассамлаштирган фидокорона ва холис меҳнатдан иборат. Фақат яхши одамгина яхши шифокор бўла олади, деган эди поляк шифокори Бегански. Ҳақиқатан ҳам шифокор учун барча одамий сифатлар: қатъийлик ва мулоҳазалилик, пухталиқ ва нозиклик, қаттиққўллик ва марҳаматлилик, вазминлик ва ҳамдардлик, улуғворлик ва оддийлик ҳосилдир.

Ўткир ва шафқатли табиб Исога ўхшайди деган эди шеърятимиз султони Алишер Навоий. Исонинг иши жонни дуо билан танга киритиш бўлса, шифокорнинг иши эса тандан чиқмоқчи бўлган жонни даво билан чиқармаслиқдир. Бундай шифокорнинг юзи хасталар кўнглида сеvimлидир, сўзи эса беморлар жонига ёқимлидир. Унинг ҳар нафаси беморларга даво, ҳар қадами эса хасталарга шифодир.

Бизнинг мустақил диёримизда шифокорлик касби улуғланади, соғлиқни сақлаш тизимига катта эътибор қаратилган. Президентимиз Қарорларига кўра, ҳар йили ноябрь ойининг

иккинчи якшанба кунини шифокорларнинг касб байрами деб эълон қилинган.

Ушбу байрамни нишонлаш ва яхши ўтказиш мақсадида қатор тадбир ва учрашувлар уюштирилди, жумладан, тиббий профилактика факультети декани ҳамда хотин-қизлар кўмитаси томонидан “Касбим – фахрим” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Давра суҳбатига меҳнат фахрийлари, ўз касбининг жонқурлари тақдир этилди. Улар бўлажак шифокорларга танлаган касбларининг нақадар улуғлиги ва масъулияти ҳақида гапирдилар. Касални даволагандан кўра, унинг олдини олиш нақадар муҳимлигини уқтирдилар. Ташриф буюрган меҳмонлар талабаларга қарата шундай дедилар: Хаста одамнинг руҳиятини тушуниш, уни ҳар томонлама текшириш, касаллигини аниқлаш, унга тўғри даво муолажаларини тавсия қилиш бўлажак шифокордан тибб илмини чуқур ўрганишни, билимдонлиқни талаб қилади, шундай экан, агар яхши шифокор бўлишни хоҳласангиз ҳозирданок яхши билим олинг, яхши ўқинг, танлаган касбингизни фидойиси бўлинг.

Касб байрамининг тантанали нишонланиши 8 ноябрь кунини ўзбек академик театрида бўлиб ўтди. Тантанали йиғилишни очиб берган рек-

торимиз, профессор Л.Туйчиев йиғилганларни, профессор-ўқитувчиларни касб байрамлари билан табриклаб, тиббиёт илмини бойитган ва дунёга танитган шифокор олимларимиздан Муқаддам Ашрапова, Эргаш Отахонов, Комилжон Зуфаров каби шифокорларнинг муборак номларини эслаб ўтдилар. Йиғилиш давомида кўп йиллик самарали ва ҳалол меҳнатлари, малакали шифокор ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашда қўшаётган ҳиссалари, ўқув, илмий, маънавий-маърифий ишларни такомиллаштириш устида қатъият билан ишлаб келаётган шифокор, устоз ва мураббийлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда касаба уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Байрамнинг тантанали қисмидан сўнг Ўзбек Миллий академик драма театрининг танкили актёрлари ижросида “Андишалик келинчақ” спектакли намоиши этилди.

Лола АБДУҚОДИРОВА,
ТТА ХҚҚ БТ раиси
Машхура ХАСАНОВА,
Ёшлар билан ишлаш, маърифат-маънавият бўлими бошлиғи



ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ 2018-2019 ЎҚУВ ЙИЛИ БАҲОРГИ СЕМЕСТР НАТИЖАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Даволаш факультетида жами талабалар сони 2230 нафар, шундан 659 нафари грант асосида, 1571 нафари тўлов-контракт асосида таълим олган.

1-курсда 483 нафар талаба таҳсил олган, уларни ўзлаштириш кўрсаткичи 34,1 фоиз (2017-2018 ўқув йилида 48,1 фоиз), сифат кўрсаткичи эса 10,3 фоиз (2017-2018 ўқув йилида 10,7 фоиз)ни ташкил қилди. Маълумотлардан кўриниб турибдики, талабаларни ўзлаштириш бир оз тушган бўлса, сифат кўрсаткич орасида деярли фарқ йўқлиги кузатилмоқда, бунинг асосий сабабларидан бири кўшимча контракт асосида ўқишга қабул қилинган талабаларни ўзлаштириш кўрсаткичлари ўта паст эканлигидир. Биринчи топширишда якуний назоратга факультет бўйича 218 нафар талаба қўйилмаган бўлса, 96 нафар талаба якуний назоратни биринчи марта топширишда қониқарсиз баҳо олган.

2-курсда 470 нафар талаба таҳсил олган, талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичи 30,6 фоиз, ўтган ўқув йилида ушбу кўрсаткич 63,2 фоиз бўлган, сифат кўрсаткичи эса 3,2 фоизни ташкил қилган бўлса, ўтган ўқув йилида эса 20,7 фоизни ташкил қилган. Биринчи топширишда якуний назоратга 215 нафар талаба қўйилмаган, 92 нафар талаба якуний назоратни биринчи топширишда қониқарсиз баҳо олган. Ўтган йилдаги кўрсаткичларга нисбатан ушбу ўқув йилида талабаларни ўзлаштириш ва сифат кўрсаткичлари кескин пасайганлиги кузатилди.

2018-2019 ўқув йили баҳорги семестрида даволаш факультети 1-курсда 314 нафар талаба, 2-курсда 307 нафар талаба семестр якунларига кўра академик қарздор бўлди. Бу талабаларга 30 июнга қадар бир неча марта қайта топширишга рухсат берилганидан сўнг 1 июль ҳолатига 200 дан ортиқ талаба академик қарздорликни бартараф эта олмадилар.

1-курсда гистология, информатика, анатомия, химия фанларидан,

2-курсда биологик химия, патологик физиология, патолгик анатомия, ИКП фанларидан бир неча қайта топширишлар ўтказилди. Қайта топширишларга бир неча марта қолган талабаларнинг барча фанлардан олган баҳолари қониқарли баҳолар бўлиб, уларда яхши ва аъло баҳолар бўлмаган.

3-курс жами 423 нафар талаба бор, талабаларни ўзлаштириш кўрсаткичи 21,5 фоиз (2017-2018 ўқув йилида 69,2 фоиз бўлган) сифат кўрсаткичи эса 7,1 (2017-2018 ўқув йилида 20,1 фоиз)ни ташкил қилди. Биринчи топширишда якуний назоратга 281 нафар талаба қўйилмаган, 41 нафар талаба якуний назоратни биринчи киришдан қониқарсиз баҳо олган. Ўтган йилдаги кўрсаткичларга нисбатан ушбу ўқув йилида талабаларни ўзлаштириш ва сифат кўрсаткичлари кескин пасайганлиги кузатилди. 3-курсда 10 нафар талаба ўз вақтида фанларни ўзлаштириш олмаганлиги туфайли курсда қолдирилди. 3-курсда умумий академик қарздор талабалар сони 356 нафар, бу курсда клиник анатомия, фармакология, патологик анатомия, патологик физиология, ИКП ва педиатрия фанларидан бир неча марта қайта топширишлар ўтказилганидан кейин кузга 100 дан ортиқ талаба академик қарздор бўлиб қолди.

Даволаш факультети бўйича жами 14 нафар талабалар, жумладан, 1-курсда 4 нафар, 2-курсда 7 нафар ва 3-курсда 2 нафар талабалар фанларни ўзлаштириш олмаганликлари сабабли курсда қолдирилди.

4-курсда умумий академик қарздор талабалар сони 64 нафар, жумладан 83 нафар академик қарздор талабалар 2-мартга қайта топширишда фанларни ўзлаштирди, 2 нафар талаба академик қарздор сифатида кузга қолдирилди ва кузга ўзлаштирди.

5-курсда умумий академик қарздор талабалар сони 45 нафар, барча академик қарздор талабалар 2-мартга қайта топширишда фанларни ўзлаштирди. 6-курсда умумий академик қарздор талабалар сони 86 нафар, барча академик қарздор талабалар 2-мартга қайта топширишда фанларни ўзлаштирди.

4 ва 5-курсда ҳам ўзлаштириш ва сифат кўрсаткичлари ўтган ўқув йилига нисбатан пасайганини, 6-курсда эса ўзгаришсиз қолган.

Юқори курсларда ўзлаштириш ва сифат кўрсаткичлари пастки курсларга нисбатан юқориқоғни ташкил этди.

Даволаш факультети бўйича кўрсаткичлар таҳлили шуни кўрсатадики, пастки курсларда ўзлаштириш ва сифат кўрсаткичлари йилдан йилга пасайиб бораётгани, юқори курсларда эса нисбатан пасайганлиги кузатилмоқда. Ушбу кўрсаткичлар сабабини таҳлил қилсак, талабаларда билим олишга мотивацияни камайиб, оширилган контракт тўлови асосида ўқишга қабул қилинганлар ва бошқа ОТМлардан ўқиши кўчирилган талабалар ўқишни ўз вақтида бошлаш, ўқитувчи ва талабаларда масъулиятни ошириш кераклиги, ўқитишда ноанъанавай таълим усуллари инновацион педагогик технологияларни қўллаш лозимлигини кўрсатади.

Тиббий педагогика факультети жорий ўқув йилининг баҳорги семестрида жами 568 нафар талаба таҳсил олган. Жумладан 1-курсда ушбу ўқув йилида таълим олган талабалар сони ўтган ўқув йилига нисбатан кескин фарқ қилди, яъни 2017-2018 ўқув йилида талабалар сони 73 нафар бўлган бўлса, бу йилда талабалар сони 150 нафарни ташкил этди.

(Давоми 7-бетда.)

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ 2018-2019 ЎҚУВ ЙИЛИ БАҲОРГИ СЕМЕСТР НАТИЖАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

(Давоми. Боши 6-бетда.)

Уларни фанлар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи куйидагича бўлди: 2017-2018 ўқув йилида 1 кириш бўйича ўзлаштириш 100,0 фоиз, сифат кўрсаткичи эса 67,1 фоиз ташкил қилган бўлса, жорий йилида эса ўзлаштириш кўрсаткичи 38,7 фоиз, сифат кўрсаткичи 13,3 фоиз ташкил қилган. Сифат ва ўзлаштириш кўрсаткичлари кескин камайганлиги кузатилди. Ўзлаштириш ва сифат кўрсаткичлари юқори бўлган фанлардан ТКК (терапия ва хирургия), тиббиёт тарихи ташкил қилди.

2-курс талабаларини 1 кириши натижалари бўйича ўтган ўқув йилида ўзлаштириш кўрсаткичи 72,4 фоиз сифат кўрсаткичи эса 31,6 фоиз бўлган бўлса, ушбу ўқув йилида эса ўзлаштириш кўрсаткичи 20,0 фоиз, сифат кўрсаткичи эса 9,5 фоизни ташкил қилган, ўтган ўқув йилига нисбатан кўрсаткичлар 4-5 баробарга пасайганини кузатиш мумкин. Ушбу курсда патологик анатомия (13,8 фоиз), патологик физиология (15,3 фоиз) ва фармакология (14,9 фоиз) фанларидан сифат кўрсаткичлари кескин паст бўлган.

3-курс талабаларини натижалари таҳлили куйидагича бўлган: ўтган ўқув йилида ўзлаштириш кўрсаткичи 81,5 фоиз, сифат кўрсаткичи 25,9 фоиз, жорий йилда эса ўзлаштириш кўрсаткичи 18,6 фоиз, сифат кўрсаткичи 4,3 фоиз бўлди. Ўзлаштириш ва сифат кўрсаткичлари ўтган ўқув йилига нисбатан бу курсда ҳам кескин пасайганлигини кузатиш мумкин. Аксарият талабаларнинг қарздорлиги ички касалликлар пропедевтикаси, клиник анатомия ва патологик анатомия фанлари бўйича бўлиб, бу фанларнинг ўртача сифат кўрсаткичи 14,6 фоизни ташкил этди.

4-курс натижаларида деярли катта фарқлар аниқланмади: ўтган ўқув йилида ўзлаштириш кўрсаткичи 100,0 фоиз, сифат кўрсаткичи 80,0 фоиз бўлган бўлса, жорий ўқув

йилида ўзлаштириш кўрсаткичи 91,3 фоиз, сифат кўрсаткичи эса 68,2 фоиз бўлди, яъни ўзлаштириш кўрсаткичида катта фарқ йўқлиги, лекин сифат кўрсаткичи бир мунча пасайганлигини кўриш мумкин.

5-6-курс талабаларини кўрсаткичлари ўтган ўқув йилига нисбатан деярли ўзгармаганлигини кўрсатди.

Тиббий педагогика факультети бўйича кўрсаткичларини таҳлили шуни кўрсатдики, паст курсларда кўрсаткичларни пасайганлигини кузатсак, катта курсларда эса ўзлаштириш ва сифат кўрсаткичлари солиштирилганда ўтган йилдаги кўрсаткичларга нисбатан жорий йилдаги кўрсаткичлар деярли катта фарқ қилмади. Факультет бўйича умумий ўзлаштириш кўрсаткичи 65,3 фоиз (92,7) ва сифат кўрсаткич 52,0 фоиз (66,6) бўлди.

Тиббий профилактика факультетида 2017-2018 ўқув йилида 366 нафар талаба таҳсил олган бўлса, 2018-2019 ўқув йилида 278 нафар талаба таҳсил олди, уларни ўзлаштириш куйидагича бўлди: 2017-2018 ўқув йилида 1 кириш бўйича ўзлаштириш 45,9 фоиз сифат кўрсаткичи эса 12,9 фоиз ташкил қилган бўлса, 2018-2019 ўқув йилида эса ўзлаштириш 43,3 сифат 9,3 фоизни ташкил қилган. Ўтган ўқув йилига нисбатан ўзлаштириш ва сифат кўрсаткичлари нисбатан камайганлиги кузатилди.

Тиббий биология йўналишида эса кўрсаткичлар ўтган йилги кўрсаткичларга нисбатан кескин тушиб кетганлигини кузатиш мумкин. Биринчи кириш бўйича умумий кўрсаткичлар куйидагича бўлди: ўзлаштириш 69,8 фоиз (73,3 фоиз ўтган ўқув йили), сифат 22,0 фоиз (24,8 фоиз ўтган ўқув йили).

Тиббий профилактика ва тиббий биология йўналишларини семестр натижалари таҳлили шуни кўрсатдики, барча кўрсаткичлар ўтган йилга нисбатан пасайиб кетган, айниқса 1-2-курсда кўрсаткичлари

кескин пасайган, катта курсларда эса кўрсаткичлар деярли ўзгармаганлиги аниқланди. Буларни сабаби биринчи курсларга қабул қилинаётган талабаларни билим даражаси пастлигидир. Юқори курслардаги кўрсаткичларни ўзгармаслигини сабаби баҳолаш мезонларини қайта кўриб чиқиш, яъни педагогик технологияларни жорий қилиш тақозо этилади.

Олий маълумотли ҳамшира факультетида ўтган ва ушбу ўқув йилида таълим олган талабалар сони катта фарқ қилмаган. 2018-2019 ўқув йилида 300 нафар талаба таҳсил олган, уларни ўзлаштириш куйидагича бўлди: 2018-2019 ўқув йилида 1 кириш бўйича ўзлаштириш 85,1 фоиз (75,4 фоиз), сифат кўрсаткичи эса 65,6 фоиз (52,5 фоиз) ташкил қилди. Ўтган ўқув йилига нисбатан ўзлаштириш ва сифат кўрсаткичлари бир оз кўтарилганини кузатиш мумкин.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, академия бўйича талабаларни ўзлаштириш ва сифат кўрсаткичларини пасайиб кетишига бир неча сабаблар мавжуд, яъни 1-курсга қабул қилинаётган талабаларни айниқса оширилган контракт-тўлов асосида кўшимча қабул қилинган ва бошқа ОТМлардан ўқиши кўчирилган талабаларнинг билим савияси пастлиги, талабаларда билим олиш иштиёқини пасайганлиги, ўқитиш жараёнида педагогик ва инновацион технологияларни қўлланилишини камайганлиги, талабаларни ўқиш масъулияти пасайиб кетишидир. Ўқитувчилардан эса ўқитиш жараёнида илғор педагогик ва инновацион технологияларни қўллаш, талабаларда ўқишга бўлган иштиёқни ошириш, уларга дарс жараёнларида ахборот коммуникацион технологияларни қўллаш, хорижий тажрибаларни жорий қилиш талаб этилади.

Ш.БОЙМУРАДОВ,
ТТА ўқув ишлари бўйича
проректори

